

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, қурилиш ва фойдаланишга қабул қилишнинг янги тартиби жорий этилмоқда

Президентнинг 14.11.2018 йилдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни тақомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5577-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу шарҳда 2018 йил 1 декабрдан бошлаб киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида сўз юритамиз.

Қурилиш лойиҳасининг смета қисмини экспертизадан ўтказиш

Белгиланишича, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб ишлар тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётганда қурилиш лойиҳаларининг смета қисми мажбурий экспертизадан ўтказилмайди. Қолган ҳолларда, аксинча, қандай объект бўлишидан қатъи назар, сметани экспертизадан ўтказиш мажбурий бўлади.

Шу ўринда ҳозир қонунчиликда 2 турдаги экспертизани ўтказиш назарда тутилганини қайд этиб ўта-миз:

➤ айрим инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни комплекс экспертизадан ўтказиш – нафақат смета қисмини ўз ичига олади (қурилиш билан ҳам чекланмайди);

➤ шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – қурилиш масалалари билан бевосита боғлиқ (20.02.2018 йилдаги ПҚ-3550-сон қарорга 1-илова ва 16.07.2018 йилдаги ПҚ-3857-сон қарорга илова).

Бироқ қабул қилинган Фармонда экспертизанинг қайси тури ҳақида сўз бораётгани аниқлаштирилмаган. Соҳа мутахассислари бунда комплекс экспертиза назарда тутилган деган фикрдалар.

Маълумот учун: бугунги кунда молиялаштириш манбаи лойиҳа ЛБМА қошидаги Марказда комплекс экспертизадан ўтказилиши ёки ўтказилмаслигига жиддий таъсир кўрсатмайди. Масалан, хусусий инвесторлар молиялаштирадиган стратегик фойдали қазилмаларни қавлаб олиш ва/ёки қайта ишлаш лойиҳалари барибир комплекс экспертизадан ўтказилиши шарт.

Халқаро молия институтлари ёки хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар эса, ҳатто улар давлат кафолати остида бўлса ҳам – экспертизадан ўтказилиши керак эмас (20.02.2018 йилдаги ПҚ-3550-сон қарорга 1-илова). Бунинг ўрнига халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий воосланмалар экспертизаси ва ҳисоб-китобларни Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги амалга оширади (16.07.2018 йилдаги ПҚ-3857-сон қарорга 1-илова). Агар қабул қилинган Фармон айнан комплекс экспертизага дахл қилса, ҳаммаси буткул аксинча бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизаси эса, агар у марказлаштирилган манбалардан молиялаштирилмаса, қурилишнинг смета қисми бўйича ўтказилмайди ва давлат иштирокидаги ташкилот буюртмачи сифатида иштирок этмасдан ўтказилади (ВМнинг 22.01.2016 йилдаги 15-сон қарорига 4-илова).

Қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш

Шунингдек 2018 йил 1 декабрдан бошлаб қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи, пудратчи (бош пудратчи) вакиллари иштирокида амалга оширилади. Давлат харидлари субъектлари маблаглари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш бундан мустасно.

Ҳозир ШНҚ 3.01.04-04 га мувофиқ фойдаланишга

қабул қилиш 2 босқичда: ишчи комиссия ва давлат комиссияси томонидан амалга оширилади. Бунда ишчи комиссиялар таркиби кўпчиликини ташкил этади. Юқорида кўрсатилган аъзолардан ташқари унга фойдаланиш ташкилотлари, лойиҳа ташкилоти, санитария ва ёнғин назорати органлари вакиллари ва бошқалар киради. Бунда фойдаланишга қабул қилувчи комиссияларнинг сонини ҳам, таркибини ҳам қисқартириш ҳақида сўз бораётган кўринади.

«Fast-track» усули бўйича қуриш

Бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари («fast-track» усули) билан қурилишни амалга оширишга рухсат этилди. Бироқ бунинг бир шarti бор – лойиҳа ва пудрат ташкилотлари консорциум (юридик шахсни ташкил этмаган бирлашма) ташкил этишлари керак. Консорциум иштирокчилари зиммасига лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун солидар жавобгарлик юклатилади (кредиторлар исталган консорциум иштирокчисидан бутун қарзни қоплаб беришини талаб қилишлари мумкин).

2018 йил 1 декабрдан бозор иштирокчиларига «fast-track» усулидан эркин фойдаланиш имконияти берилади.

Юқорида кўрсатилган янгилеклардан ташқари ҳужжатда қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича бошқа комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган. Масалан, 3 йил ичида лойиҳалаш ва қурилиш бўйича 465 та норматив ҳужжат қайта кўриб чиқилади, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларнинг соҳага оид сертификатлар ва лицензиялар эгаларига Ўзбекистонда ишлашга рухсат берилади, мутахассислар малакасини эса Мухандислар-консультантлар уюшмаси таъминлайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.11.2018 йилдан кучга кирди.

Чиқиндиларни олиб чиққанлик учун бизнес 100% олдиндан тўлов тўлайди

Президентнинг 22.11.2018 йилдаги ПФ-5580-сон Фармониغا биноан 2019 йил 1 январдан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари ҳақини тўлаш тартиби ўзгаради.

Эслаштиб ўтаамиз, 1 августдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари кўрсатилмоқда. Алоҳида хусусий ташкилот ишлаши мумкин бўлган аниқ ҳудуд «E-IJRO AUCTION»даги электрон аукцион якунларига кўра унга бириктириб қўйилади.

Бундан ташқари, энди ҳар бир истеъмолчи билан алоҳида шартнома тузилмай, оммавий шартномалар асосида фуқароларга хизматлар кўрсатилмоқда.

Бизнес ва аҳоли: тўлов шартлари ва тартиби

2019 йил бошидан чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари ҳақини тўлашнинг янги тартиби жорий этилади:

а) жисмоний шахслар мажбурий тўловларни ягона

транзит банк ҳисобварақларига тўлайдилар, улар кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларига ўтказилади. Бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга эса давлат-хусусий шериклик битимлари ва икки томонлама шартномалар доирасида маҳаллий ҳокимликлардан маблаглар келиб тушади.

Бироқ фуқароларнинг ташвишланишига ҳолат йўқ, тўлов шартлари ўзгармайди. У ҳозиргидек ҳар ойда, ўтган

Ушбу
сонда:

6-БЕТ

Автомобилларни сақлаш
фаолияти лицензияланадими?

7-БЕТ

Янги муассис тақсимланмаган
фойдага шерик бўла оладими?

Кичик корхона билан микрофирма
орасида қандай фарқ бор

8-БЕТ

Аёллар автобус
ҳайдай оладими?

2-бетга



Чиқиндиларни олиб чиққанлик учун бизнес 100% олдидан тўлов тўлайди

(тўлов амалга оширилган) ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмай тўланади;

б) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар 100% миқдорида олдидан тўлов тўлашлари керак бўлади. Айни пайтда юридик шахслар ушбу хизматлар ҳақини камида 15%лик олдидан тўлов тўлаш шарти билан, тўлиқ ҳисоб-китобни эса календарь ой тугагандан кейин 30 кун ичида амалга ошироқдалар.

Улар фуқаролардан фарқли равишда бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ҳақ тўлайдилар.

МИБ назорат қилади, Давлат экология қўмитаси ундиради

Мажбурий ижро бюроси зиммасига 2019 йил 1 январдан бошлаб қўшимча вазифа – чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан

мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш юклатилди.

Бироқ ушбу хизматлар учун тўловлар тўлаш бўйича жисмоний шахслардан қарздорлиқни ундириш тўғрисидаги аризаларни Давлат экология қўмитаси ҳудудий органлари судларга киритади. Тўлов 6 ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда ана шундай чора қўлланилади. Шу муносабат билан қўмитага ушбу хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимини шакллантириш, унинг бошқарилишини ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Санитар тозалаш марказлари ташкил этилади

Улар Давлат экология қўмитаси ҳудудий органлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.) ҳузурида ташкил этилади, бироқ ҳар бир

туман (шаҳар) да бир нафар бириктирилган мутахассис фаолият юритади.

Улар зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқилса, марказлар истеъмолчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ҳокимликлар, фуқаролар йиғинлари ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида боғловчи бўлган айланишлари керак.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.11.2018 йилдан кучга кирди.



Уруғчилик: кластерлар, экстеншн маркази ва олий таълим муассасаларига квоталарнинг оширилиши

Президентнинг 20.11.2018 йилдаги «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4020-сон қарорида маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Биринчидан, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини етиштириш бўйича уруғчилик кластерлари ташкил этилади. Хукумат бир ой муддатда улар жойлаштириладиган аниқ ер майдонлари, молиялаштириш манбалари, салоҳиятли инвесторлар, давлат-хусусий шериклик шартлари ва мониторинг юритиш механизмларини аниқлайди.

Кластерлар шу жумладан ҳимояланган майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник, дон, дуккакли дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш билан шугулланади. Селекция ишлари, янги навлар ва дурагайлари етиштириш, шунингдек уруғчилик соҳасида кадрлар малакасини ошириш ҳам уларнинг вазифалари сирасига киради.

Иккинчидан, 2019 йил 1 сентябрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг сифатни назорат қилиш

лабораторияси негизда лаборатория амалиётининг халқаро стандартлари (GLP) бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларининг нав, генетика ва экиш сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича лаборатория ташкил этилади.

Ушбу лаборатория Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмада (ISTA) аккредитациядан ўтказилади. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази эса ISTAга аъзо сифатида киритилади.

Учинчидан, иссиқхона ҳўжаликлари учун жаҳон бозори талабларига мос келадиган, мазали сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги юқори янги навлари ва дурагайлари яратилади. Бунда мавжуд генетик ресурслар ва замонавий селекция усуллари қўлланилади.

Келаси йилдан бошлаб етиштиришнинг гидропоника усули қўлланиладиган иссиқхона комплекслари учун сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган, транспортда ташишга мўлжалланган,

жаҳон бозори талабларига мос келадиган навлари ва дурагайлари яратиш бўйича 5 йиллик давр учун илмий лойиҳаларнинг республика грант танловлари ташкил этилади.

Тўртинчидан, Самарқанд вилояти Самарқанд туманида қишлоқ ҳўжалиги ахборот-маслаҳат марказини (экстеншн марказини) ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳа амалга оширилади. У тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритади.

Унинг асосий вазифалари: қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмалар ва илғор тажрибани ўзлаштириш ҳамда жорий этишда уларга кўмаклашиш, шунингдек илмий-тадқиқот ишлари.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги 2019 йил якунига қадар дастлабки лойиҳа натижаларини таҳлил қилиб, тажрибани бошқа ҳудудларда татбиқ этиш юзасидан ўз тақлифларини Хукуматга киритади.

Бешинчидан, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб «Иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этиш ва юритиш», «Агроқимё ва агротупроқшунослик», «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» ихтисосликлари йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул квоталари камида 2 баробар оширилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.11.2018 йилдан кучга кирди.

Пахта ёғи акциз солиғидан озод қилинди

Техник чигит, пахта чигити шелухаси ва шротини реализация қилиш тартиби ўзгарди, пахта ёғига эса энди акциз солиғи солинмайди (21.11.2018 йилдаги ПҚ-4023-сон).

Президентнинг 17.01.2018 йилдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон, шунингдек 29.12.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Техник чигит

Белгиланишича, харидор техник чигитни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига ва тегишли сертификатларга (мувофиқлик ва гигиена) эга бўлса, у мулкчилик шаклидан қатъи назар, маҳаллий корхоналарга биржа орқали сотилиши мумкин. Бунда чигитни тақдоран (кейинчалик), бироқ яна биржа орқали реализация қилишга рухсат берилган.

Эслатиб ўтамиз, илгари техник чигит сотиб олишда монополияга эга бўлган 23 та корхонани



ўз ичига олган рўйхат амал қилар эди. Бунда уни фақат ушбу уруғчиликни ишлаб чиқариш жойида жой-



• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2, 5-бетлар

• РАСМий ХУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизими-

ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

3-4-бетлар

• ХўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ердан мақсадга кўра фойдаланинг

– Битимга розилик

– Доимий муассаса учун автомобиль

– Улушнинг сотиб, дивидендларни қўлдан

бой берди

– Фойда билан бирга ҳуқуқлар ҳам ўтади

– Кичик бизнес макomini сақлаб қо-

лиш

– Чет эл фуқароларидан ЯИТ ва суғурта

6-7-бетлар

• АВТОНОРМА

– Аёллар учун алоҳида қоидалар

– Товон тўламайдилар

8-бет

• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

– Ҳуқуқларни тиклаш – янги қоидаларга

биноан

– Тизим панд берди

8-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳадли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-иқтисодий ва иқтисодий-сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қўрилаётганига қарамайдан «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият қўрғатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўқинлик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

Биринчидан, ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг икром этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги қўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда;

Иккинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги масъул йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабаб бўлмоқда;

Учинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидаги камчиликлар уларнинг «Электрон ҳукумат» тизимига жадал интеграциялашувини сустайтирмоқда;

Тўртинчидан, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги давлат ахборот тизимлари объектлари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда;

Бешинчидан, бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан фол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онига салбий таъсир қўрғатмоқда;

олтинчидан, ахборот ва киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини жорий қилиш имконини бермаяпти.

Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўйбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияни;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш марказини туғатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

умумий штат бириги 198 нафар, шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларда – 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Давлат инспекцияси);

давлат унитар корхонаси шаклида Техник қўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шахар» жамоат тартибига қўмаклашиш маркази ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш марказининг бўшаётган 135 нафар штат бириги Марказга ўтказилсин.

4. Белгилан қўйилсинки:

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 22.11.2018 йилдан қўлға кирди.

Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари бундан мустасно.

Давлат инспекцияси Марказнинг таъсисчиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар:

а) Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказишда) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда «Электрон ҳуқуқ» тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги;

«охириги миля» тамойили бўйича интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ёчимларни тезкор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқиш;

қонун бузувчиларни, ахборотлар маконидаги руҳсатсиз

ёҳуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ва сертифицициядан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

интернетнинг миллий фойдаланувчиларини интернет тармоғи миллий сегментда ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низоом 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 5 ва 6-бандлари талаблари Давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган текширишларга таъбиқ этилмайди.

7. Қўйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Жорий таъминот (иш ҳақиқа давлат қўшимча тўловлари ва устама пуллар сақланган ҳолда), Давлат инспекцияси ва Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича ҳаражатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Марказ ходимларига ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги алоҳида меҳнат шaroитлари учун ходим лавозим маошининг камида 100 фоизи миқдорда ойлик устама белгиланади;

в) 2019 йил 1 январдан:

ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар Марказ билан мажбурий тартибда қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) жорий этиладиган ва фойдаланиладиган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар мажбурий равишда Марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилиши зарур;

*Маъжур қарорга 1-3-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ҳамда бошқа техник воситаларга техник топириқлар бўйича хулосаларни Марказ билан мажбурий келишилгандан сўнг берилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга бириктирилган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни Давлат инспекциясига;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш марказига бириктирилган техник ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулкни Марказ балансига бегараз ўтказсин, «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк бундан мустасно.

12. Давлат инспекцияси ва Марказ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли қўчаси, 31-уй манзилидаги бинода жойлаштирилсин.

13. Қуйидагилар:

«Ўзбектелеком» АЖга Марказни зарур алоқа воситалари ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш;

«Ўзбекэнерго» АЖга Марказга ажратилган бинони мажбурий тартибда захира қилинган узлуқсиз энергия таъминоти билан таъминлаш тавсия этилсин.

14. Марказ ахборот соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, аппарат-дастурий комплекслар, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, ахтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва радиодеталларга божжона тўловларини (божжона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўшбу қарорига мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.**

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 ноябрь
ПҚ-4024-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**КРЕДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА***

Сўнги йилларда бозор ислохотларини изчил чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичи тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига, инвестицияларни жалб этишга ва илгор бизнес лойиҳаларни молиялаштириш-

нинг янги механизмларига бўлган кучли эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги қўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қонунчиликда белгиланган имконият бўлишига қарамай, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан авто-

**Ўшбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.11.2018 йилдан қучга кирди.*

Реклама



«КИЧИК ҚОРҲОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

транспорт воситаларидан бошқа кўчар мол-мулкни гаров сифатида қабул қилиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит миқдоридан анча кўп бўлса ҳам, навбатдаги гаровни қабул қилиш амалиёти қўлланилмаётлиги.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2019 йил 1 январдан қўйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага кўра календарь кетма-кетлигида амалга оширилади. Бунда, ушбу тартиб қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатига татбиқ этилмайди;

гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўладилар;

мол-мулкни харид қилишни уни таъминот сифатида қўйиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади;

навбатдаги гаровга қўйишга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шарт билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади;

гаровга қўйиш томонидан гаров предметини ижара беришга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш ва бу ҳақда гаровга олувчини хабардор этиш шарт билан гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади.

2. Қўйидагилар:

шартномада ўзгача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун тақдим этилган мол-мулкдан фойдаланиш ёки уни сотишдан олинган ҳосил ва даромадларга (тушумга) кредиторнинг устувор ҳуқуқи;

лизинг, бўлиб-бўлиб тўлашни назарда tutuvchi олди-сотди, ижара ёки бошқа битимлар объекти бўлган ҳамда ушбу битимларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўйилган мол-мулкка (мулк ҳуқуқига) гаров учун белгиланган ундирув қаратиш тартиби;

ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш предмети сифатида қўйилган кўчар мол-мулкка ундирувни қаратишга суд буйруғи институти татбиқ этилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мол-мулк билан таъминланадиган мажбуриятни шу мол-мулк қийматидан қопланишини мумкин бўлган мажбуриятнинг максимал суммасини кўрсатиш йўли билан аниқлашга рухсат этилади;

мажбуриятлар бажарилишини мол-мулк билан таъминлашни назарда тутадиган битимлар, шу жумладан, гаров шартномаси мажбуриятлар бажарилишининг мулкний таъминоти предметини батафсил баён қилмасдан, уни умумий тавсифлаш орқали, жумладан, алоҳида тоифа бўйича тузилиши мумкин;

гаровга олувчилар ва бошқа кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун гаровга қўйилган ҳамда уларнинг талаблари бўйича ундирув қаратилган мол-мулк кредитга, бўлиб-бўлиб тўлашга, лизингга ёки қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши, ижарага берилиши мумкин, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мувофиқ мол-мулкни мажбурий реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиқни қоплаш бўйича талаблар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестрига ўз вақтида киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда юридик ва жисмоний шахслардан гаров реестрига ёзув киритиш учун, шунингдек, гаров реестридан кўчирма бериш учун ундириладиган тўловлар миқдорини камида икки баробар камайтиришни назарда тутадиган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорнинг норма ва талабларини амалга оширишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишни ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 ноябрь
ПҚ-4026-сон.

Реклама



«СОДИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини таклиф этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Таллимарқон кў. 14-б. Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

2-бетда Пахта ёғи акциз солиғидан озод қилинди

лашган корхоналарга сотишга рухсат берилар, вилоятлараро тақсимот эса фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилар эди. Бу харидор монополиясини янада оширар эди.

Маълумот учун: Маиший шароитда ва экстракция бўлими мавжуд бўлмаган кичик цехларда чигитни қайта ишлаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади ва қонунга хилоф равишда чигитга қайта ишлов бериш билан шугулланувчи шахсларга нисбатан қатъий, ҳатто жиноий жазо чоралари қўлланилади (ЖКнинг 186-2-моддаси).

Пахта чигити шелухаси ва шроти

Шелуха ва шрот (чигитдан ёғ олинадиган кейин қоладиган қолдиқлар — тахр.) энди биржа савдоларида эркин реализация қилинади.

Илгари пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухаси биржа орқали ем-хашак сотиш бўйича туман ва вилоят бирлашмаларига, шунингдек омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга, чорвачилик ва

паррандачилик ҳўжаликлари, қорақўлчилик ширкат ҳўжаликларига сотилар эди. Бунда чеклов амал қилган — биржа савдолари натижаси бошланғич нархга нисбатан 15%дан ошмаслиги керак эди (18.11.2008 йилда 1870-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом). Бироқ 2018 йилнинг январидеяк шрот ва шелухани сотиш бўйича «Озуқа ем таъминоти» МЧЖ корхоналарини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди (19.01.2018 йилдаги ПҚ–3484-сон). Энди нархни шакллантириш ва харидорлар доирасига оид чекловлар олиб ташланди.

Пахта ёғи

Пахта ёғи акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхатидан чиқариб ташланди. Илгари акциз солиғи миқдори 1 тонна озиқ-овқат ёғи учун 459 724 сўмни ва техник мой (озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган) учун 252 887 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мўлжалланган пахта ёғини 10%дан ортиқ бўлмаган миқдордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик

тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улғуржи ва чакана корхоналарга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш тартиби бекор қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захира-ларини бошқариш қўмитаси ҳам давлат стратегик захираси учун белгиланган нархлар асосида ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пахта ёғини сотиб олган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича йўл харитасида (19.01.2018 йилдаги ПҚ–3484-сон қарор) ҳали ҳам пахта ёғини аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун қатъий белгиланган баҳода сотиш механизми назарда тутилган. Бундан ташқари, фуқароларнинг кўрсатилган тоифасига мўлжалланган пахта ёғи шарҳ эълон қилинган пайтда Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхатига (ВМнинг 30.03.2018 йилдаги 249-сон қарорига 2-илова) киритилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.11.2018 йилдан кучга кирди.

IT соҳасида янги назорат қилувчи орган


Президентнинг 21.11.2018 йилдаги ПҚ-4024-сон қарорида ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Техник қўмаклашиш маркази, шунингдек Ахборот коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз ҳаёт» жамоат тартибига қўмаклашиш маркази ташкил этилди.

Янги муассасалар — тугатилаётган куйидаги муассасаларнинг ҳуқуқий ворислари:

Ташкил этилган тузилмаларга куйидаги вазифалар юклатилади:

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси	Техник қўмаклашиш маркази
куйидагилар устидан давлат назоратини амалга ошириш: ➢ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши; ➢ ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш; ➢ фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказишда) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши; ➢ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда «Электрон ҳуқумат» тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши; ➢ иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги; ➢ «охириги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш.	➢ ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни тезкор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш; ➢ қонун бузувчиларни, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш; ➢ ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларини, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ва сертификациядан ўтказиш; ➢ давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўмаклашиш; ➢ давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; ➢ Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.



Келаси йил бошидан ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар ЛБМА томонидан Техник қўмаклашиш маркази билан мажбурий тартибда келишилгандан сўнг берилади. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) жорий этиладиган ва фойдаланиладиган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар эса мажбурий равишда ўшбу марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилади.

Давлат инспекцияси ва марказ Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй манзилида жойлаштирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.11.2018 йилдан кучга кирди.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгириклар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтининг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тўшлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



Ердан мақсадга кўра фойдаланинг

Хорижий корхонани (МЧЖ) асосий фаолияти трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Корхона ҳудудида 3 гектарга яқин бўш майдон мавжудлиги сабабли қўшимча равишда юк транспорт воситалари, автобуслар ва бошқаларни (енгил авто- ва мототранспортдан ташқари) вақтинча сақлаш (очиқ турдаги автотўхташ жойи), техник кўриқдан ўтказиш ва бирламчи хизмат кўрсатиш хизматларини кўрсатмоқчимиз.

Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом енгил транспорт воситаларига тааллуқлими ёки унинг талабларини юк транспорт воситалари ва автобуслар учун тўхташ жойларини ташкил этиш фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкинми? Автомобилларни сақлаш фаолияти лицензияланадими? Мазкур фаолият қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади, унга қандай ўзига хос талаблар қўйилади?

— Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган) юридик шахслар томонидан автотототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Автомобиль транспорти — таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодийёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан, почтани автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи;

Автотранспорт воситалари — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар («Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси).

Тегишсинча, ВМнинг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори талаблари автомобиль транспортининг барча турларига нисбатан татбиқ этилади.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатиш фаолияти лицензияланмайди.

Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун тадбиркорлик субъектлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган, тегишли технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш-техник базасига эга бўлиши зарур (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9-банди). Кўрсатилган норматив ҳужжатда юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби ҳам белгиланган.

Маълумот учун. Ер участкалари туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан берилади. Кўриб чиқиладиган вазиятда корхонага ер участкаси илгари берилган кўринади. Корхона тижорат асосида автотранспортни сақлаш хизматларини кўрсатиши учун ер айнан шу мақсадга ажратилган бўлиши керак. Ҳокимнинг ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарориде ер участкаларининг автотототранспорт воситаларини сақлаш хизматларини ташкил этиш учун аниқ мақсадни кўзлаб берилиши кўрсатилади (ВМнинг 213-сон қарорига илованинг 8-банди). Шу сабабли корхонага ер участкаси беришдан кўзланган аниқ мақсадлар сирасига автотранспортни сақлаш хизматлари киритилган бўлиши зарур.

Реклама

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Галлимаржон кўч., 1/1. Тел.: (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

МЧЖдан кўчмас мулк сотиб олмақчимиз. Унинг муассисларидан бири давлат муассасаси (устав фондида 55%) ҳисобланади.

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг розилиги мавжуд бўлса, МЧЖ аукцион савдоларини ўтказмай ушбу кўчмас мулкни сотишга ҳақлими?

Битимга розилик

— Ҳа, ҳақли. Муайян ҳолларда албатта МЧЖ иштирокчиларининг розилигини олиш зарур.

Асосий воситалар (кўриб чиқиладиган вазиятда кўчмас мулк) ташкилотлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда сотилади (АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 23-банди «г» кичик банди).

Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари бундан мустасно (Низомнинг 23-банди «а», «в» кичик бандлари).

Давлат функцияларини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилотидир (Бюджет кодексининг 4-моддаси).

Давлат корхонаси давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир. У давлат мулкидаги мол-мулк негизда ташкил этилади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 16.10.2006 йилдаги 215-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, МЧЖ бюджет ташкилоти ҳам, давлат корхонаси ҳам ҳисобланмайди.



Маълумот учун. Қонун ҳужжатларида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз МЧЖ номидан битим тузиб бўлмайдиган ҳолатлар назарда тутилган. Булар:

- жамият иштирокчиларидан бирининг битим тузилишидан манфаатдорлиги;
 - битимнинг йирик битим деб эътироф этилиши (МЧЖ мол-мулки қийматининг 25%-дан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулк сотилаётганда).
- Мол-мулк қиймати, агар жамиятнинг уставиде йирик битимларнинг анча қатта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охири ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43, 44-моддалари). Бундай вазиятларда кўчмас мулкни реализация қилишга жамиятнинг барча иштирокчилари розилик бериши зарур, бу баённомада қайд этилиши лозим.

Доимий муассаса учун автомобиль

Доимий муассаса Ўзбекистонда амалга ошириладиган лойиҳа билан боғлиқ фаолиятида фойдаланиш учун расмий дилердан янги енгил автомобиллар сотиб олмақчи.

Доимий муассаса номига сотиб олинадиган автомобилларни рўйхатдан ўтказишда муаммо бўлмайдими?

— Доимий муассаса номига автомобиль расмийлаштириб бўлмайди.

«Доимий муассаса» тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Норезидентнинг доимий муассасаси деганда қуйидагилар эътироф этилади:

➢ норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга оширадиган ҳар қандай жой;

➢ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги 12 ойлик давр ичида 183 календар кундан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши (Солиқ кодексининг 20-моддаси 2, 3-қисмлари).

Шу сабабли сотиб олинаётган автотранспорт воситасини хорижий юридик шахснинг ЎзРдаги ваколатхонаси (агар мавжуд бўлса) ёхуд жисмоний шахс (масалан, ваколатли шахс) номига рўйхатдан ўтказишни тавсия этамиз.

Амалдаги қонун ҳужжатларида, умумий чекловлардан ташқари, бундай вазиятда автотранспорт воситаларини сотиб олиш юзасидан махсус чекловлар йўқ. Мисол учун, 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди, потеря ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, мерос қилиб олинган автотототранспорт воситалари бундан мустасно (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди).

МЧЖ (фаолият тури – ишлаб чиқариш) устав фонди учта муассис томонидан шакллантирилган. Биринчи муассис 50% улушга эга, иккинчиси – 25%, учинчиси – 25%. 2018 йил IV чорагида 50% улушга эга муассис унинг бир қисmini иккинчи муассисга сотди. Улушлар қайта расмийлаштирилди, қайта рўйхатдан ўтказгандан сўнг 2018 йил I ярми учун дивидендларни тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Фаолият бошлагандан буён дивидендларни шлк бор тақсимляпмиз. Улушнинг бир қисmini сотган муассис қанча миқдорда дивиденд олади?

Улушни сотиб, дивидендларни қўлдан бой берди

– Биринчи муассис улушнинг бир қисmini сотгандан кейин ҳисобланган, дивидендлар эълон қилинган санада тасарруфда қолган қисмидан дивидендлар олади.

Жамиятнинг устав фондидаги улушни олувчига (иккинчи муассисга) жамият иштирокчисининг мазкур улушдан воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади

(«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси 11-қисми). Улушни сотиш пайтида жамият иштирокчиларига дивидендлар тўланмаганлиги инобатга олинса, улушнинг сотилган қисмидан уларни олиш ҳуқуқи уни сотиб олган иштирокчига ўтиши керак.

Фойда билан бирга ҳуқуқлар ҳам ўтади

Корхонанинг (МЧЖ, ЯСТ тўловчи) фаолият тури – тикув ишлаб чиқариши. Муассис битта. Устав фонди пул, тикув машиналари, тикув ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган фурнитура ва мебель билан шакллантирилган. Муассис улушни сотишга қарор қилди. Утган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси бор. Улуш сотилаётганда бу фойда тақсимланмайди.

1. Тақсимланмаган фойдани нима қилиш керак?
2. Чиқиб кетган муассис олмаган ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси корхона учун бошқа даромад ҳисобланадими?
3. Янги муассис муайян вақт ўтгач тақсимланмаган фойдани олиши мумкинми?

1. Агар муассис сотишни расмийлаштиргунга қадар жамғарилган фойдани тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилмаган бўлса, у кейинчалик ҳам корхонанинг тақсимланмаган фойдаси счётларида (8700) ҳисобга олинаверади.

2. Йўқ, жамғарилган (тақсимланмаган) фойданинг қолган суммаси корхона учун даромад ҳисобланмайди. Даромадни тан олиш учун муассис:

- жамғарилган фойдани тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилиши;
- 10%лик ставкада дивидендлардан солиқ тўлаши (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорнинг 3-банди);
- фақат шундан кейингина уни корхона тасарруфда қолдириши керак.

Бу ҳолда фойда корхона учун даромад ҳисобланади (Солиқ кодексининг 132, 135-моддалари) ва унга асосий фаолият тури ставкасида ЯСТ солинади.

3. Ҳа, мумкин. Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисmini) олувчига жамият иштирокчисининг мазкур улушдан воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси 11-қисми). Улуш сотилгунга қадар муассисга дивидендлар тўланмаганлиги сабабли уларни олиш ҳуқуқи янги муассисга ўтиши керак.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон, яқин ва узоқ хориж бўйлаб корпоратив, гуруҳли турлар. Тўлов – исталган шаклда. (+998) 90-189-28-09, (+998) 93-556-61-31.

Хизматлар лицензияланган.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимкоржон кўчи, 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Кичик бизнес мақомини сақлаб қолиш

Улгуржи ва чакана савдо корхонасида (ИФУТ коди – 46211) ходимлар сони 6 кишини ташкил этади.

1. Корхона яна 2 кишини ишга олиши мумкинми? Шундан кейин у микрофирма ҳисобланадими?
2. Микрофирма билан кичик корхона ўртасида қандай фарқ бор?
3. Кичик корхона мақомига ўтиш муносабати билан солиқ солиш ўзгарадими?

1. Корхонангиз яна иккита ходимни ишга қабул қилиши мумкин, бунда кичик бизнес субъекти сифатидаги амалдаги мақоми ўзгармайди.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони 5 кишидан ошмаса, савдо корхонаси микрофирма ҳисобланади (Таснифлагич, ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова). Корхонангизда йил бошидан буён ходимларнинг доимий сони 6 кишини ташкил этса, у кичик корхона ҳисобланади.

2. Микрофирмалар кичик корхоналардан фақат ходимларнинг ўртача йиллик сони билан фарқланади («Табдиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси).

3. Солиқ солиш тизими ва кичик бизнес субъектларига тақдим этилган солиқ имтиёзлари микрофирмалар ва кичик корхоналарга бир хил татбиқ этилади (Қонуннинг 5-моддаси).

Чет эл фуқароларидан ЯИТ ва сугурта бадаллари

Корхонада Сербия фуқароси (бошқарув ходимларидан эмас) меҳнат шартномаси бўйича ишлайди, меҳнат фаолиятини юритишга рухсатномаси бор, доимий пропискадан ўтмаган.

Корхона ЯИТ тўлаши, мазкур ходимнинг иш ҳақидан ижтимоий сугуртага ажратмаларни ҳам ушлаб қолиши керакми?

Ягона ижтимоий тўлов

Ходим – чет эл фуқаросига ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадга ЯИТ солиниши керак. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари ЯИТ солинадиган объект ҳисобланади (Солиқ кодексининг 172, 306-моддалари). ЎзР фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 16-моддаси). Корхонангиз кичик корхона ёки микрофирма ҳисобланса, 15%лик ставкада ЯИТ тўланади (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 23-илова).

ПЖга сугурта бадаллари

Жисмоний шахслар – ЎзР фуқаролари, шунингдек республикада доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчилардир (Солиқ кодексининг 305-моддаси).

Чет эл фуқароси ички ишлар органлари томонидан берилган яшаш гувоҳномасига эга бўлганда Ўзбекистонда доимий истиқомат қилувчи шахс ҳисобланади (Низомнинг 2, 4-бандлари, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова). Ходимингиз – чет эл фуқароси мамлакатимизда яшаш гувоҳномасига эга бўлмаса, тегишинча, сугурта бадалларини тўловчи ҳисобланмайди.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Аёллар автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлашга ҳақлими?
Н.Расомова, ўқувчи.

Аёллар учун алоҳида қоидалар

— Ҳа, агар аёллар «С» ёки «D» тоифаларига оид транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлсалар, нафақат автобус, балки юк автомобилларини ҳам бошқаришлари мумкин. Бироқ бунда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган муайян чеклашларга риоя этиш зарур. Яъни автомобилларнинг юк кўтариши 2,5 t дан, автобусда йўловчиларнинг сони 14 кишидан ошмаслиги керак (Низомнинг 27-банди, ВМнинг 31.05.2018 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).



ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Ҳуқуқларни тиклаш — янги қоидаларга биноан

Россияда ҳайдовчилик гувоҳномаларини тиклашнинг янги қоидалари кучга кирди. Ҳукуматнинг тегишли қарори расмий ҳуқуқий ахборот интернет-порталида эълон қилинди.

Янги қоидаларга биноан автомобилчилар барча жарималарни тўлагандан кейингина гувоҳномани тиклай оладилар. Шунингдек йўл ҳаракати қоидаларини билишлари юзасидан қайта имтиҳон топширишларига тўғри келади.

Ҳайдовчилар маст ҳолда автомобиль бошқарганлари учун ҳуқуқдан маҳрум этилган бўлсалар, тиббий текширувдан ўтишлари керак бўлади. Бунда гувоҳномани ДИХХнинг исалган бўлинмасида олиш мумкин. Бунинг учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати тугашидан камида 30 кун олдин ариза бериш зарур.

Россия бош вазири Дмитрий Медведев қайд этганидек, «Хавфсиз ва сифатли йўллар» миллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги кучайтирилади.

Манба: «Новости» РАА.




Тизим панд берди

Маълумотлар базасида юзага келган техник хато сабабли Дававтоинспекция 5 млн тадан ортққ жаримани чиқара олмади.

Дававтоинспекция бошлиғи Михаил Черников Россия пойтахти ДИХХХ Федерал ахборот тизими (ФАТ) нотўғри ишлагани сабабли юзага келган муаммолар ҳақида гапириб берди, деб ёзади «Коммерсант». Унинг сўзларига қараганда, Москвада ДИХХХ «маълумотлар базалари нотўғри қўшиб юборилгани» сабабли 5 млн тадан ортққ жарима қарорларини «маъмурийлаштира» олмаган. «Ёй курсатилмаган, ё фамилия чала курсатилган», — дея тушунтириш берди у, бироқ тафсилотларини айтмади.

Камералар асосида қарорлар чиқарадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни автоматик қайд

этиш марказлари (МХАҚМ) — Дававтоинспекциянинг минтақавий бошқармалари тузилмалари мазкур тизимлардан фойдаланади. МХАҚМ ходимлари қоидабузарлик ҳақида ахборот олиб, билдиришнома хатини йўллаш учун рақам бўйича ФАТ орқали автомобиль эгаси манзилини аниқлайдилар. Айнан ана шу босқичда муаммолар юзага келмоқда. Масалан, автомобиль эгасининг ҳақиқий уй манзили «Советская кўчаси, 1-уй, 1-хонадон» бўлиши мумкин, бироқ ФАТда минтақавий база билан интеграциялаганда нима учундир хонадон курсатилмаган манзил қайд этилади.



«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Товон тўламайдилар

Сугурта компанияси қайси ҳолда аварияда жабрланган йўловчига сугурта пулини тўлашни рад этиши мумкин?

Н.Ғалимов. Тошкент ш.

— Ташувчи жабрланувчи олдидаги жавобгарлигини тан олган бўлса, сугурта компаниясида сугурта пулини тўлашни рад этиш учун деярли асос қолмайди. Ташувчи сугурта шартномасини тузиш пайтида тақдим этган маълумотлар фуқаролик жавобгарлиги юзага келгандан кейин атайин бузиб кўрсатилганлиги аниқланганда, бу унинг учун жиддий асос бўлиши мумкин. Масалан, сугурта мукофотини камайтириш мақсадида транспортнинг бир қисmini яшириш (кўрсатмаслик) ва ҳ.к. Сугурта шартномасида кўрсатилмаган машинани бошқарганда йўловчига зарар етказилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда сугурта компанияси сугурта шартномаси суд тартибда ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилишга ҳақи.

Бундан ташқари, етказилган зарар ўрнини сугурта компаниясининг иштирокисиз ташувчининг ўзи қоплаши ва (ёки) уни компенсация қилиши лозим бўлган бир қатор вазиятлар назарда тутилган.

Чунончи, қуйидагилар оқибатида ташувчи

фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ҳодисаси бўлмайди:

➤ маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойдаланиш ўрнини қоплаш мажбурияти юзага келганлиги;

➤ нодир ва бошқа ноёб буюмларга, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарларига, қўлёзмаларга, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларига, қимматли қўғозларга, нақд пулларга, шу жумладан, чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

➤ йўловчининг сугурта ҳодисасини юзага келтиришга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида унинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги.

Ушбу вазиятларда етказилган зарар ташувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади («Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси).

МХАҚМ софти олинган манзилни Федерал ахборот манзил тизими (ФСХ бошқаради) билан солиштирганда бундай манзил йўқлигини аниқлаб, чиқариладиган қарорни саватга ташлайди.

Оқибатда пойтахт ДИХХХБ 2 йилда қарийб 5,4 млн та қарорни чиқара олмади, дейди газета манбаи. Агар 2017 йилда Москвада камералар ёрдамида 24,6 млн та, 2016 йилда эса 25,1 млн та жарима чиқарилган иноватта олинса, қоидабузарликларнинг қарийб 10%и расмийлаштирилмай қолган дейиш мумкин. Минтақаларда ҳам шундай муаммо кузатилади, бироқ айнан пойтахтда яққол кўзга ташланади: қайд этиладиган барча маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 25–30%и Москвага тўғри келади, чунки бу ерда жуда кўп камералар ўрнатилган ва автомобилчилар ҳам кўп.

Агар минтақавий маълумотлар базалари сақланган қолган бўлса, уларни федерал тизим билан яна бир бор синхронлаштириб кўриш мумкин, дейди фотовидеоқайд этиш тизимлари бўйича эксперт Григорий Шухман, «ёхуд ҳар бир ҳолатни битталаб аниқлаш ва минтақалардан аниқлик киритишни сўраш, шундан кейин уни ФАТга киритиш керак».

Интернет тармоғи материаллари асосида.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири — «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўғоз ёқими — А3. Ҳужайра — 2 босма табоқ. Басоҳи мўлғилитилган нардади.
Буюртма 478. Адади 810. Газета 2018 йил 26 ноябрь соат 17.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — (71) 200-00-90.
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.